

ЎЗБЕКISTON

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 4-MAY ■ SESHANBA ■ 54 (27.229) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Иқтидорли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБЛАРИ

«Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак».

Мамлакатимиз раҳбарининг бу сўзлари бугунги ўзбек ёшларининг истеъдодига, билим эгаллашига, жаҳон минбарларида дадил фикрларни илгари суришига, буюк болаларга издош бўлишига қанот бўлмоқда.

Жамила АЛИЕВА 1983 йилда Андижон вилоятида туғилган. Мактаб таълимидан сўнг 2000 йилда Андижон давлат университетига математика таълими йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган.

Изданишларининг натижаси туфайли Деҳлидаги халқаро ТАТУ ўқув илмий марказида таҳсил олган. У «Физик жараёнларни компьютерда дастурлаш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. Шу йўналишдаги ўнга яқин тадқиқотлари эълон қилинган. 2002-2003 ўқув йилида Улугбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлган.

У инглиз, рус ва бошқа бир қатор хорижий тилларни яхши билади.

Жамила 2003-2004 ўқув йилида физика, математика ва кимё-биология йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлди.

Улуг олим Абу Райҳон Беруний айтган эканлар: «Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган наватбадаги авлодга етказиб беради»...

Фаррух ҲАМРОЕВ

Шавкат АҚРАМОВ олган сурат



Ўзбекистонда кўппартияликни ривожлантириш ҳамда сиёсий партиялар фаол ишлаши учун катта аҳамиятга эга бўлган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатдаги сиёсий партиялар фаолиятини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Республикамиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов сессиядаги нутқида чет эллик ва маҳаллий журналистларга берган матбуот конференциясида Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунириб берди. Шу билан бирга Ўзбекистонда халқаро андозаларга жавоб берувчи кўппартиялик ва парламентчилик демократиясини яратиш бўйича изчил нуктаи назар, сиёсий партиялар фаолиятидаги мавжуд заифлик ва мўртликнинг сабаблари ҳақида аниқ ва батафсил фикрлар баён этилди. Айни пайтда партияларнинг мамлакат вакиллик демократияси органларидаги муҳим бўлган айланганининг энг оқил йўллари кўрсатиб берилди.

Бугунги кунда партиялар тўғрисида қуйидаги сўзларни тез-тез эшитиш мумкин: «Нега Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг барчаси бир хил қилинган эга?». Мазкур фикр бизнинг экспертларнинг ўтказган тезкор сўровлар натижасига кўра, кўп қисми партияларнинг кўнглидаги гап ҳамда безовта қилаётган муаммо эди.

Иккинчи қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятини қаттиқ танқид қилиб, уни сусткашликдан фаолликка даъват этди. Демократиянинг асосий ин-

ститутларидан бири ҳисобланган кўппартиялик тизимни ривожлантириш, бўлажак икки палатали парламент сайловлари олдидан улар фаолиятини янада кучайтириши зарурлигини кўрсатиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари барча юртдошларимизни террорчилик, экстремизм ҳамда

Очигини айтганда, биз ўзимиз ҳам қилаётган ишларимиз, айниқса уларнинг самарасидан қониқиб ҳосил қилмаётимиз. Бугун фаол ҳаракатлар, амалий ишлар вақти келди ва биз ўз саъй-ҳаракатларимиз билан сайловчилар-

лар яратмоқда. Сўнгги пайтларда сиёсий партияларга нисбатан расмий ОАВ эътибори кучайгани сезилмоқда. Ахир яқингача телевидение, радио, расмий матбуот мамлакатда сиёсий партиялар мавжудлигини гўё кўрма-

Натижада, четдан кузатганларга Ўзбекистонда сиёсий партиялар йўқдай, танқидий кайфиятдаги ва сиёсий фаол норасмий партияларни эса давлат рўйхатдан ўтказишни рад этгандай бўлиб кўринмоқда. Бугунги кунда расмий

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: ФАОЛЛАШУВ ВАҚТИ КЕЛДИ

нинг манфаатларини ифода этишимиз, партия доирасидан ташқарига ўқилмайдиган рисолаларда эмас, балки аниқ ишларда, парламентчилик фаолиятида ўзимизни кўрсатишимиз зарур. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми ва Олий Мажлисининг XIV сессияси арафасида бўлиб ўтган партия фракцияси йиғилиши биз шундай амалий фаолиятга тайёр эканлигимизни кўрсатди. Бинобарин, давлатимиз сиёсий партиялар учун ҳуқуқий-меъриий ҳужжатларни қабул қилиш билангина эмас, уларнинг молиявий аҳолини яхшилашга ҳам катта имконият-

ётгандай эдилар. Айни пайтда баъзи чет эл ОАВ ва интернетдаги фаолиятга нисбатан сукут сақлаш одати барҳам топди. Гап фақат бунда эмас. Бизга матбуот минбери, микрофон ва телекамера олдидан кенг жой берилди. Кузатишимиз шунини кўрсатмоқдаки, тележурналистлар ҳам хорижий ҳамкасбларидай «ноқулай» саволларни беришда улардан қолишмаяптилар. Бу эса ўз навбатида бизга ўз нуктаи назаримизни янада ойдинлаштиришга ва ўзимизга хос сиёсий қиёфамизни тиниқлаштиришга ундайди.

ОАВнинг мамлакатдаги рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан сукут сақлаш одати барҳам топди. Гап фақат бунда эмас. Бизга матбуот минбери, микрофон ва телекамера олдидан кенг жой берилди. Кузатишимиз шунини кўрсатмоқдаки, тележурналистлар ҳам хорижий ҳамкасбларидай «ноқулай» саволларни беришда улардан қолишмаяптилар. Бу эса ўз навбатида бизга ўз нуктаи назаримизни янада ойдинлаштиришга ва ўзимизга хос сиёсий қиёфамизни тиниқлаштиришга ундайди.

Яна бир нарсани айтмоқчиман. Президентимизнинг

Акс-садо

кўнчаклик билан айтган сўзлари: сиёсий партиялар жамиятда тезроқ ўрнини топиши, ислохотларни амалга оширишга тўқинлик қилаётганларни дадил танқид қилиш, муҳим давлат ва сиёсий масалаларни ҳал этишда муқобил йўллارни тақлиф этиш тўғрисидаги сўзлари барчамизни чуқур ўйлашга ундайди, деб ўйлаймиз.

Буларнинг ҳаммаси: давлатимиз раҳбари томонидан сиёсий партияларга эътиборнинг кучайиши, уларнинг фаолиятини расмий ОАВ томонидан фаол ёритилиши, сайловлар тўғрисида ва жумладан, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» қонунларининг қабул қилиниши сиёсий партиялар учун жуда қулай шароитларни яратмоқда. Лекин бу имкониятлардан самарали фойдаланиш энди фақат сиёсий партияларнинг ўзига, яъни ўзимизга боғлиқ. Бунини эътиборга олиш мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг чеккасида қолиб кетишавради.

Аслиддин РУСТАМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби

уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳаммажҳат, огоҳ, бир тану бир жон бўлиб қатъий курашга, фидойиликка чорлади.

Буезн мазкур давлат ва фикр-мулоҳазалар жойларда кенг муҳокама этилиб, фуқаролар улардан тегишли хулосалар чиқармоқдалар.

Оддийгина хонадонингиз эшигини олинг: унинг кесакидан тортиб, қулфи-калитига-ча мустаҳкам бўлишни истайсиз. Токи, булар ноқас пайти келганда осонгина кирмасин,

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС МАҲАЛЛА ҲАМ, ЭЛ-ЮРТ ҲАМ...

мол-мулкка кўз олайтирмасин ёки бошқа бир ташвиш ортирмасин деб. У — ўз уйингиз, ўз гушанингиз, ахир!

қўйда тунлари алламахалгача юрган кишилар, баъзи шўх ёшлангларни огоҳликка чақиримиз, маслаҳатлар берамиз. Мақсадимиз битта — ёш кесака хушёр, эсли-хушли бўлса осудалик бўлади. Осудалик бор жойда ишлар юришади, файз-баракка келади.

Базан вилоятлардан келиб, айрим хонадонларда ижарада яшайдиган ёшлар билан махсус сўхбатлар ўтказаямиз. Чунки, уларнинг айримлари ҳаётдан ўз ўрнини топмай, жамият эътиборидан четда қолган, хатто мактабни ҳам битирмай, шаҳар кўчюнига «чопқилган» ёшлар бўлиб чиқапти. Шундайлар билан участкамиз нозирлари зарур профилактик ишлар олиб бормоқда. Адашган бўлса, йўлдан қайтариш чораларини кўраётми. Бу ишга биз хатто маҳалламизда истиқомат қилаётган кекса, танқид оқсоқоллар, педагоглар ва хатто шоир, ёзувчи, журналистларни ҳам жалб қилганимиз. Агар эсласангиз, халқимизда «ўғри ўғрилиқни товуқ қатагидан тўхум ўғриладиган бошлайди» — деган эски бир ма-

қол бор. Бугун қўнда, бегона шаҳар ёки қишлоққа дайдиб, санжиб юрган нотаниш кимсалар эрта бир кун бундан-да қалти ишларга қўл урмайди, — деб ким кафолат беради. Ҳеч ким, албатта.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, диний экстремизмга, террорчиликка қарши курашга республикамизнинг барча аҳолисини қуйиб-ёниб даъват қилди. Уни биз гузарда маҳалламиз фуқаролари йиғини фаоллари билан тўланишиб, телевизорда бирга кўрдик. Юртбошимиз аҳоли ўртасида, хусусан ёшлар орасида юрт тинчлиги ва миллат хотирчаллиги учун тарғибот-ташвиқот ишларини, тарбиявий соатларни чуқур ўйланган тизим асосида муқим олиб бориш зарурлигини қайта-қайта таъкидлади.

Бунини дастлаб 1999 йил ва кечаги кунлар бошимиздан кечирган мусулманлар тоқоза қилди-да... ахир.

Хуллас, демократиканки, ҳар биримиз сергак ва хушёр бўлсак, юртимиз девори оша ҳеч ким мўрабаламайди, шахримиз остонасига бирор ноқас ёмон ниёт билан йўлаёلمайди, маҳалламиз ҳудудига киришга ҳадди сизмайди, ҳадиқирайди. Биладики, шаҳар бедарвоза эмас! Маҳалланинг ҳам, эл-юртнинг ҳам эгаси бор!

Михаил КИКТЕВ, Ташкент шаҳар, Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени иншондори.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKIDORGA HANKORI

Партия граоллари ва тарғиботчиларига ёрдам

Ушбу услубий тавсияномадан кўзланаётган мақсад — парламент ислохотининг аҳамияти ва моҳияти, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловдан кейин парламентнинг давлат ҳокимияти тармоқлари билан муносабатлари, сиёсий партиялар фракцияларини шакллантириш тартиби ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари тўғрисида тарғиботчилар, тарғиботчилар ва кенг жамоатчиликка маълумот беришдир.

КИРИШ

Ўзбекистонда ислохотлар сиёсатининг бош йўналишлари ва муҳим устуворликларидан бири — бу жамиятнинг демократлаштириш, унинг барча жабҳаларини эркинлаштириш ва ушбу негизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдир.

Бунда ҳал этиладиган масалалардан энг муҳими — мамлакатда қонунчилик жиҳатидан ва амалиётда парламентчилик вакиллик демократиясининг шундай даражасига етишиш кераки, у ҳам шаклан ва ҳам мазмунан, бутун ҳаётда қабул қилинган демократик андозаларга тўла жавоб берсин. Бу парламент ислохоти деган умумий тушунча билан бирлаштирилган ва 2002 йил 27 январдаги референдумдан кейин бевосита амалга оширилган бошланган вазифалардир.

Хозирга келиб, парламент ислохотининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиб буйича ишлаш амалда тугатилди. Ўзбекистон Конституциясига тегишли ўзгаришлар киритилди, мамлакатнинг янги, икки палатали парламентини вужудга келтириш ва парламент фаолиятини йўналтиришга оид меъёрийлар мажмуи биринчи марта киритилди.

Сайлов қонунчилиги ҳам парламент ислохоти эҳтиёжлари билан мувофиқлаштирилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Буларнинг барчаси 2004 йил декабрда бўлиб ўтадиган навбатдаги парламент сайловда ислохотни тўла амалга оширишга асос бўлади.

МАСАЛАНИНГ КЎЙИЛИШИ

Мамлакатимизда парламент ислохотини ўтказиш зарурлиги ҳақидаги масала биринчи марта Ўзбекистон Президентини И.А.Каримовнинг 2000 йил 25 майда иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси II сессиясида қилган маърузасида кўтарилди, 2004 йилда бўлидиган сайловларда доимий ҳаракатда бўладиган икки палатали парламентни шакллантириш тўғрисидаги таклиф шаклида баён қилинган эди.

Шунда асосий эътибор бўлгани ислохотнинг қўйиладиган муҳим жиҳатларига қаратилган эди. **Энг аввало**, қўйи палата доимий ишловчи, сиёсий партиялардан сайланган ва мустақил депутатлар ўндо профессионал асосда фаолият кўрсатадиган қонунчилик органи бўлиши керак. Яъни, у мустақиллик, депутатлар: ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, сиёсатчилар ишлайдиган профессионал парламент бўлиши лозим. Бу қонун яратувчилик ишининг савиясини ошириши, жаҳон илгор тажрибасини тўлароқ ҳисобга олиш имкониятини беради.

Иккинчидан, қўйи палата тузишда уни партиявий вакиллик асосида шакллантириш таъминлаш зарур. Бу профессионал парламентта электрлатнинг ҳар хил иқтисодий-сиёсий қарашлари ва манфаатларини сиёсий партиялар ва ҳаракатлар вакиллари орқали тўлароқ ифода этиш имкониятини беради.

Яна бир муҳим томони, юқори палата — Сенат тенг ҳуқуқли худудий вакиллик органи бўлиши лозим. Унинг вазифаси: қўйи палата қабул қилган қонунларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш. Бу ҳозирги замон демократик парламентчилиги моделига аънавий равишда боғлиқ бўлган юқори палата ваколатига кирадиган вазифалардир.

Шунингдек, яна бир аҳамиятли жиҳати, парламент ислохоти тўғрисидаги масалани референдумга қўйиш ва бу йўналишдаги барча ишларни унинг натижаларига биндон олиб бориш таклиф этилган эди. Бунда икки палатали профессионал парламентга ўтишининг мақсадаги мувофиқлигини асослашга катта эътибор берилган.

Қўйи палатанинг доимий ишлайдиган профессионал қонунчилик органи айланishi, шубҳасиз, бутун қонунчилик ишининг сифатини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, депутатларнинг парламент қўйи палатасидаги профессионал фаолияти мамлакат сиёсий элитасини тайёрлашнинг ўзига хос мактаби бўлади.

Юқори палатани шакллантириш зарурлигини тўғри тушуниш ҳам жуда муҳимдир. Бунда гап юқори палатада қонунларнинг кўриб чиқилиши, фақат уларнинг сифатини оширишнинг қўшимча омили бўлиб

хизмат қилишидагина эмас. Агар ҳаётда қабул қилинган парламент демократияси андозаларидан келиб чиқилса, кўплаб мисолларда кўриш мумкинки, икки палатали парламентга эҳтиёж одатда турли қатламлар (масалан, Англия ва Япония парламентлари) ёки федерация ва маъмурий-ҳудудий бўлиниш субъектлари (АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Россия Федерацияси ва ҳоказолар) манфаатлари мувозанатини таъминлашга зарурат туғилганда пайдо бўлади.

Шундай эҳтиёж Ўзбекистонда ҳам бор. Зеро, турли вилоятларда бир неча хил минтақавий ҳуқуқий ҳолатлар аниқ сезилади. Масалан, **Фарғона водийси** вилоятлари қишлоқ ҳўжалиги ривожланган, йирик саноат салоҳиятига эга, аҳоли зич ашайдиган минтақа бўлиб, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан табиий равишда ажралиб туради. **Тошкент минтақаси** (пойтахт ва вилоят) саноатлашган, аҳолиси мамлакат аҳолисининг 20-25 фоизини ташкил этади, унда мамлакат илмий ва маданий салоҳиятининг асосий қисми жамланган. **Самарқанд ва Бухоро вилоятлари**да деҳқончилик, саноат ва маданий салоҳият ривожланган. Мамлакатнинг **Шимол**и (Қорақалпоғистон Республикаси ва

рель ойи) қабул қилган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунда ўз ифодасини топди.

Мазкур Қонун: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини шакллантириш принциплари, уларнинг асосий ваколатлари ва ўзаро ҳамкорлигининг мураватларини аниқ белгилаб берди; мамлакат Президенти, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига ўтказиладиган навбатдаги сайловлар муддатларини белгилади; давлат раҳбари ваколатларининг референдумга қўллаб-қувватланган 7 йиллик оптимал муддатини тасдиқлади; демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича қонунчилик янада такомиллаштириш принципларини асослаб берди.

Мазкур Конституциявий Қонун қандай вазифаларни бажаришга даъват этилган? Маълумки, «Референдум тўғрисида»ги Қонун умумхалқ овоз бериши ўтказилган ва кейинги навбатдаги сессияда унинг яқунлари кўриб чиқилишини талаб қилади. Бу ўз навбатида, энг аввало, унинг яқунлари билан Конституция ва амалдаги қонунчиликни мувофиқлаштиришни тақозо этади. Бунда шу нарса аниқ эдики, референдум яқунлари бўйича ишлаб чиқи-

рий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича қизғин иш олиб борилди. **X сессия** (2002 йил декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларни қабул қилиб, мамлакатнинг янги, икки палатали парламентини шакллантириш ва фаолиятининг асосий принципларини белгилади. Бунда Қонунчилик палатасининг кўппартиялилик асосида шакллантирилиши ҳақидаги қандайдиган асосий принциплар қаторида мустақиллик, мамлакат парламенти тўғрисидаги қонунларга илк марта сиёсий партияларнинг парламент фракцияларини тузиш ва фаолият кўрсатиш тартибини ташкиллаштиришнинг меъёри ва таъминлаш мажмуи киритилди.

XI сессия (2003 йил апрель) «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиб ҳамда уларни амалга киритишнинг муддат ва тартибини белгилаб, референдум натижаларини конституциявий қонунчилик ҳужжатларида акс этдириш юзасидан ишларни асосан яқунлади.

XII сессия (2003 йил август) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳририни қабул қилди. **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги Қонунга ўзгаришлар киритилди ҳамда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларни қабул қилди.

лиятига асосланади. Табиийки, бир шахс бир пайтнинг ўзида ҳам Қонунчилик палатаси депутати, ҳам сенатор бўлиши мумкин эмас. Қонунларни қабул қилиш тартиби ҳам ўзгаради. Яъни, қонун фақатгина Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, мамлакат Президенти имзо қўйганидан кейин ҳуқуқий кучга эга бўлади ва шундан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинади. Белгиланган тартибга қўра, ҳар бир қонун албатта Қонунчилик палатасида, одатда бир неча ўқишда кўриб чиқилганидан сўнг, қабул қилиниши лозим. Агар Қонунчилик палатаси бирон-бир қонунни қабул қилмаса, Сенат бу ҳолда, уни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

Сенат Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунни маъқуллаши ёки қайтариши мумкин. Қабул қилинмаган қонун Қонунчилик палатасига қайта кўриш учун қайтарилади ва у Қонунчилик палатасида депутатлар ўчдан икки қисмининг овози билан қайта маъқулланганда Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Икки палата нуктаи назарини келиштириш учун улар томонидан келишув комиссиясини тузиш механизмлари ҳам кўзда тутилган. Ва nihоят, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан кейин, у ўн кун ичида имзоланган Президентга юборилади. Президент қонунни ўттиз кун давомида имзолмайди. Шу билан бирга, мамлакат раҳбари қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтариши ҳам мумкин. Бу ҳолда, у қайта муҳокама

МАМЛАКАТИМИЗДА КўППАРТИЯЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТИНИНГ РОЛИ Янги парламент палаталарини шакллантириш ва улар фаолиятининг меъёр ва таъминлашнинг қонунчилик билан белгилаш сиёсий партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини кенгайтиришда ҳам муҳим қадам бўлди. Чунинчи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунда кўриб чиқилган белгилар қўйилган.

Қонунчилик палатаси сайлов оқруғлари бўйича кўппартиялилик асосида сайланадиган депутатлардан иборат (2-модда). Қонунчилик палатаси **Кенгаши таркибига сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари** кирди (16-модда).

Қонунчилик палатаси кўмиталари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва аъзолари лавозимлари **депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда** белгилади (17-модда).

Фракциялар қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақли (28-модда). Мазкур Қонунга **сиёсий партиялар фракцияларини шакллантириш тартиби**, улар мақоми, ҳуқуқи ва ваколатларини тартибга солувчи бутун бир боб (IV. Депутатлар билрлашмалари) киритилган.

23-моддада белгиланишича, фракция — бу сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар билрлашмаси (Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар эса гуруҳ тузишга ҳақли).

24-моддада Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиши мумкин, деган тартиб белгиланган.

25-модда сиёсий партиялар фракцияларининг энг муҳим ваколатларини белгилади:

Қонунчилик палатаси мажлисининг қон тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан фикр билдириш, таклифлар киритиш; Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакиллари қаролланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиш;

келишув комиссияси ва бошқа комиссияларни тузиш масаласини қўйиш; Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушутириш бериш ёки нуктаи назарини баён қилиш талаби билан муурожаат этиш;

Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатиш; палатанинг Кенгаши, кўмиталари ва комиссияларини ишда иштирок этиш;

Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритиш; ҳуқумат аъзоларининг ўз фаолиятлари доирасидаги масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш тўғрисида масала киритиш;

давлат органлари ҳамда мансабдор шахслардан фракциянинг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

26-моддада қўйидаги ҳолларда фракция фаолиятини тугатиши кўзда тулади:

фракциянинг ўз ташаббуси билан; Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда;

фракцияга кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдордан камайиб қолганда; тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатилган тақдирда.

Олий Мажлисининг XIV сессияси «**Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида**»ги Қонунни қабул қилиб, сиёсий партияларнинг парламентчилик ишини ривожлантириш томон яна бир муҳим қадам қўйди. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар парламент фракциясининг фаолияти давлат томонидан молиялашадиган бўлди. Бу улар фаолиятининг самарали бўлишини таъминловчи янги катта имкониятдир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда олиб борилаётган парламент ислохоти ҳал қилувчи паллага, яъни концепциядан амалиётга айланмоқда. Сиёсий партиялар фаолияти учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар кенгаймоқда. Бундан самарали фойдаланиш — партияимизнинг барча ташкилотлари, ҳар бир аъзосининг бурчи.

Ўзбекистон ХДП МК тарғибот гуруҳи

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТИ: КОНЦЕПЦИЯДАН — АМАЛИЁТГА

Хоразм вилояти), **Жануби** (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) ва бошқа минтақалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Фарқ фақат минтақавий ривожланиш ва ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилишида эмас, балки демографик хусусиятларда ҳам, шу жумладан, аҳолининг ҳар бир минтақадаги ўзига хос миллий-нуфусий таркибидан ҳам сезилади.

Яъни, мамлакатда амалда мавжуд бўлган минтақавий манфаатлар хилма-хиллиги акс эттирилиши ва ҳисобга олинишини қонунчилик органида таъминлайдиган объектив эҳтиёж икки палатали парламентга ўтиш заруратини белгилаб берган бош омили бўлди.

Маълумки, Ўзбекистонда парламент демократияси қарор топишининг дастлабки босқичида минтақавий манфаатларни мувофиқлаштириш муаммосини партиялар вакиллиги билан бир пайтнинг ўзида маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидан ҳам депутатликка номзодларни кўрсатиш орқали, бир палатали парламент доирасида ҳал этишга уриниш бўлди.

Амалда, бу 1994 ва 1999 йиллардаги сайловларда мамлакат парламентдаги партиявий вакилликни камида икки ўлчамда қазилаштиришга олиб келди: — сон жиҳатдан: яъни, сайловлар яқуни бўйича, партиялар вакилларининг ҳаммасини жамлаганда ҳам улар Олий Мажлиси депутатлари корпусининг ярмини ташкил этади;

— сиёсий партия вакили мақомининг икки хил бўлиши, чунки у бир пайтнинг ўзида партиянинг парламентдаги фракциясининг аъзоси ва депутатлар худудий туринининг аъзоси ҳамдир.

Шундай қилиб, парламентда партиявий вакилликни тўлиқ таъминлашга бўлган эҳтиёж икки палатали парламентга ўтишга яна бир сабаб бўлди. Бошқача айтганда, 2004 йил сайловларида икки палатали парламентнинг амалда шакллантирилиши, бу вакиллик демократияси тизимида сиёсий партиялар аҳамиятини ошириш ва уларнинг парламент фракцияларини парламент фаолиятининг асосий бўлинишига айлантириш сари қўйилган яна бир амалий қадамдир.

2002 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ РЕФЕРЕНДУМИ ВА ШУНИНГ ЯҚУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали парламентга айлантириш тўғрисидаги масаланинг Ўзбекистон Республикаси референдумга қўйиш чўқилганлиги барчага маълум.

Масалани бундай йўсинда қўйишнинг Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг ягона манбаи, давлат тузилиши ва сиёсати масалалари юзасидан халқнинг иродасини ифода этишининг энг муҳим шакли умумхалқ овоз бериши — референдум эканлиги тўғрисида Конституцияда белгиланган таъминлаш таъминловчи демократик тартибни таъминловчи демократик принципларнинг амалга оширилиши;

сиёсий партияларнинг мўртлик ҳолатидан чиқиши, жаҳон тажрибасига таянган ҳақиқий кўппартиялилик тизими ва демократик парламентаризмни, эътироф этилган демократик муҳолифатни шакллантириш; жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат институтлари роли ва аҳамиятининг кўчаиши. «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» принципининг амалда бажарилиши; суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш; инсон омили охири оқибатда амалга ошириладиган барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарасини белгилайди; Қуролли Кучлар ислохоти.

либ, қабул қилинадиган қонунлар, нафақат давлат ҳокимияти барча тармоқларининг фаолият кўрсатишига оид меъёрий принципларга жиддий ўзгаришлар киритишига, балки уларнинг конституциявий мақомини ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу ишнинг муайян босқичида Конституцияга ҳам тегишли ўзгаришлар киритилиши таъминлаш эди.

Бу масаланинг қонунчилик йўли билан ҳал этилиши — аниқ узоққа чўзилмаган жараёндир. Янги қонунларни тайёрлаш ва мавжуд қонунчилик ҳужжатларини референдум яқунлари билан мувофиқлаштириш учун мамлакат Асосий Қонунга ўзгаришлар киритишга амалга ошириш имкониятини берадиган ҳуқуқий асос керак эди. Шундай асос вазифасини «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонун бажарди.

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ

Референдум яқунларини амалга оширишда Олий Мажлисининг IX сессияси (2002 йил август ойи) муҳим қадам бўлди. У мамлакат Президенти маърузаси асосида «**Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида**»ги қарорни қабул қилди. Мазкур қарорда демократик ислохотларнинг қўйидаги муҳим устуворликлари белгиланди:

мустақил ривожланишининг устуворлиги;

мамлакатда хавфсизлик ва барқарорлик, худудий бутунлик, унинг чегаралари дахлсизлиги, фуқароларнинг тинчлиги ва оқилолликнинг таъминлаши; бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва қудратли бозор инфратузилмасини яратиш, мустақил, барқарор иқтисодийни вужудга келтириш учун зарур бўлган иқтисодий эркинлик принципларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, сўз ва ахборот воситалари эркинлигини, шунингдек, жамиятда амалга ошириладиган ислохотларнинг очик-ойдинлигини кафолатлаштириш таъминловчи демократик принципларнинг амалга оширилиши;

сиёсий партияларнинг мўртлик ҳолатидан чиқиши, жаҳон тажрибасига таянган ҳақиқий кўппартиялилик тизими ва демократик парламентаризмни, эътироф этилган демократик муҳолифатни шакллантириш; жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат институтлари роли ва аҳамиятининг кўчаиши. «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» принципининг амалда бажарилиши; суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш; инсон омили охири оқибатда амалга ошириладиган барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарасини белгилайди; Қуролли Кучлар ислохоти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII ва IX сессияларининг тегишли қарорларига мувофиқ, 2002-2003 йиллар давомида парламент ислохотининг меъё-

Шу билан мамлакат Конституциясига киритилган ўзгаришлар ва янги парламент палаталари тўғрисидаги конституциявий қонунларнинг амалда бажарилиши мураватларини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш бўйича парламент ислохоти доирасида олиб бораётган қонунчилик ишларининг асосий босқичи тугатилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ

Мамлакатимизда вужудга келаётган янги, икки палатали парламент палаталарининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларни шакллантириш принциплари референдум яқунлари бўйича қабул қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар билан белгиланган. Чунинчи, Қонунчилик палатаси сайлов оқруғлари бўйича кўппартиялилик асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлади. Бу палата депутатларини мамлакат фуқаролари яъни, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқига мувофиқ, яширин овоз бериш йўли билан сайлайди.

Сенатнинг 100 аъзо(сенатор)дан таркиб топган худудий вакиллик палатаси бўлишига белгилаб қўйилган.

Сенат аъзолари тенг миқдорда — 6 кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида, мазкур депутатлар орасидан, яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Жами — 84 нафар сенатор.

Бундан ташқари 16 сенатор Ўзбекистон Президенти томонидан фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамиятнинг бошқа жабҳаларида алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўйли, катта амалий тажрибага эга фуқаролардан тайинланади.

Иккала палатанинг ваколат муддатлари 5 йил қилиб белгиланган. Сайлов кўнига 25 ёшга тўлган ва мамлакат худудида доимий равишда 5 йилдан кам бўлмаган муддатда истиқомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг иши барча депутатларнинг (120 нафар) доимий профессионал фаолиятига асосланади. Улар ўз ваколатларини даврида илмий, педагогик ва ижодий ишдан бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шугулланишлари мумкин эмас. Юқори палатанинг иши сенаторларнинг Сенат яъни мажлислари ва кўмиталари (комиссиялари) йиғилишларига вақти-вақти билан чакирладиган фао-

қилиниб, овозга қўйилади. Агар қонун қайта кўриб чиқилганда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг ўчдан икки қисмининг овози билан, яъни кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланса, у қабул қилинган деб ҳисобланади ва Президент томонидан 14 кун ичида имзоланиши лозим.

Референдум яқунлари бўйича қабул қилинган Конституциявий қонунда ана шундай қоида ва тартиб кўзда тутилган. У ҳаётда қабул қилинган парламент демократияси стандартларига жавоб беради.

Икки палатали парламентдаги палаталар, яъни қўйи — Қонунчилик палатаси ва юқори — Сенатнинг ўзаро фаолияти тўғрисида сўз борганда уларнинг номлашидан келиб чиқадиган, улар ваколатларининг ўзаро муносабатлари ҳақида пайдо бўлиши мумкин бўлган, нотўғри тасавурлардан қочиб қўйиш.

«Қўйи» ва «юқори» тушунчалари Европа парламентларида қабул қилинган ва у палаталар қўшма мажлисида депутатларнинг залда аънавий ўтириш жойларидан келиб чиқ

Шеър ва шуур

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Баҳор

Баҳорни севаман! Оҳ, яланг давра! Ширлар хилма-хил ташбих тонамиз. Қишнинг қўрғонидан чиқиб соғ-омон, Кўклам оғушига қараб чопамиз. Билмайман, неدير у — қизларми гўзал, Табаррук йил умрин бошлаб беради. Баҳор — ширларнинг илдоасидир, Наҳом кўзларини ёшлаб беради, Табаррук йил умрин бошлаб беради.

Ятиллар самада уч кунлик қамар, Яна далаларга тушади излар. Бошларига боғлаб толқучук чамбар, Сулувлик санъатин урганар қизлар. Билмайман, неدير у — қизларми гўзал, Ва ё куртак отган нафис сурх новда? Тоғлар жонлибди, ҳамал-да, ҳамал, Замин уйғонибди, сойлар безовта... Ва ё куртак отган нафис сурх новда?..

Шабда эсади тоғлар тарафдан, Эй, мудроқ Она-ер, кўзларингни оч! Ажралиб чиқару ана, қурч сафдан Чеккадаги томга кўнар қалдирғоч. Қадрдон ҳовлига бўлиб парвона, Чарх урар, париллар айвон тагида. Ичин тузатмоққа эримай яна Хас излаб куйманар боғ этагида. Чарх урар, париллар айвон тагида...

Дошқозон қошида кайвони момо Капқир-ла қозонни қавлаб қолади. Эртага пашажак сумлак аммо, Ҳозирдан дилларга қутқу солади. Кимдир ўт ёқади, ким қўшиқ куйлар, Оҳ, қишлоқ қизлари, чаман-чаман-о! Момо тунни билан чўпчаклар суйлар, Ҳар битта сўзида оламча маъно! Оҳ, қишлоқ қизлари чаман-чаман-о!..

Наврўз суруридан яйрайди кўнгал, Бинафша тутганлар юрарлар мағрур. Баҳорий фараҳнинг бўлмагай сўнги! Рухлар овоз эрур, мамлакатим хўр! Тулал, Икромали, Ҳумоюн билан Соийнинг тепасига чиқиб кетамиз... Бизники шу замин, шу овоз Ватан! Дунёнинг тағига етамиз! Дунёнинг тағига етамиз!

Спорт

Шу йил 8 апрелда профессионал боксинг WBO йўналиши бўйича ҳамоиртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев пуэрто-риколик Жесси Фелисиано билан жанг ўтказиб, қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритгани. 30 апрель оқшомида пойтахт аэропортида таниқли боксчимиз ҳамда АҚШда рейтинг учрашувлари олиб бораётган яна бир вакилимиз Кувончбек Тойганбоевлар спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан катта тантаналар билан кутиб олинди. Биз фурсатдан фойдаланиб, спортчиларимизни суҳбатга тортидик.

— Муҳаммадқодир, қитъалараро чемпионлик камари муборак бўлсин!

— Раҳмат!

— Учрашув таассуротлари ҳақида ўзингиздан эшитсак... — Бу жанг ҳақида уч ой олдин хабар тоғандим ва рақибга қарши пухта ҳозирлик кўрдим. Учрашувдан аввал Жессини осонликча енгаман, деб ўйлагандим. Бирок жанг чоғида унинг жиддий қаршилигига дуч келдим. Шунга қарамай, мусобақанинг саккизинчи раундида соф галабага эришдим.

— Эшитишимизча, сиз илгари Фелисиано билан машгулотлар вақтида жанг ўтказган экансиз?

— Хабарингиз бор, Лас-Вегасда мен уч йилдан буён профессионал бокс билан шуғулланиб келаялман. Жесси ҳам шу ерда машгулотлар ўтказди. Бундан бир неча йил муқаддам у билан битта клубда тайёргарлик кўргандик. Лекин машгулот барибир машгулот, жанг албатта бошқа нарса. Фелисианога ҳам мутахассислар катта ишонч билдиришганди. У менга қарши жанг ўтказганига қадар 15 учрашувнинг ўн учтасини нокаут билан яқунлаганди. Халқимизнинг дуосини олганлигим туфайли Жесси Фелисианонинг энгилша муваффақ бўлди.

— Ҳозир қайси мураббий билан машгулотларда қатнашяпсиз?

— Уч-тўрт ойлик танаффусдан сўнг яна америкалик Кенни Адамс билан машгулотлар ўтказаялман. Ўтган йилги мажбуриятдан кейин унинг хизматидан воз кечганидан. Бирок

ОЛТИН КАМАР МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ УНИ ШУ ЙИЛ ОХИРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛМОҚЧИ

узоқ вақт Адамсдан сабоқ олганлигим туфайли янги мураббий услубига кўника олмадим. Натижада америкалик мутахассис кўрсатмаларига таянган ҳолда жаҳон чемпиони бўлишга аҳд қилдим. Бундан кейин Америка ва Германиядаги машгулотлари тўлиқ Кенни Адамс олиб боради.

— Ўзбекистондаги режаларингиз қандай?

— Кувончбек иккимиз бу ерга Лас-Вегасдан келдик. Аниқроғи, мен Ўзбекистонга Германия визасини олиш учун келдим. Ун-ўн беш кун оилам даврасида бўлиб, сўнгра Гамбургга жўнаб кетаман.

— Навбатдаги жангни қачон ва қаерда ўтказасиз?

— Германияда бир неча кун бўлиб кейин машгулотларни давом эттириш учун Лас-Вегасга жўнайман. У ерда бир неча ой шуғулланиб, Гамбургга қайтаман ва июль ойида Германияда яна рингга чиқаман.

— Рақибингиз ким бўлиши мумкин?

— Тартиб бўйича жанг иштирокчилари номи учрашувдан бир ярим-икки ой илгари маълум бўлади. Шу боис, ҳозир бирор нарса дейишим мумкин. Лекин шунинг аниқ айтишим мумкин, рақибим WBA йўналиши бўйича 63,5 кг. вазн тоифа-

сида дунёнинг энг кучли ўн боксчидан бири бўлади. Эришган охириги галабаларим эвазига биринчи ўнликка кирганлигим туфайли рейтинг даражаси ўзимга яқин боксчига қарши рингга чиқаман.

— Сиз билан бир вақтда профессионал боксга ўтган ҳамоиртимиз Руслан Чагаевнинг ишлари ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз...

олтин камарини қачон олиб келасиз?

— Бунга жуда оз қолди, деб умид қиламан. Агар яна икки-уч жангни ўз фойдага ҳал қилсам, бас! Худо хоҳласа, шу йилнинг охирида бундай бахтга мушарраф бўламан.

Иқтидорли боксчимиз, Олимпия, жаҳон ва Осиё чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевни, мухлислари ўзгача фахр-ишти-

пиони эди. Очқолар ҳисобиди мен галаба қозондим. Фақат ҳакамлар адолатсизлик қилишди. Таққиланган зарбалар учун якунда менинг ҳисобимдаги икки очкони олиб ташлаб, ютқунинга бериб юборишди. Ваҳоланки, рақибим ҳам бир неча бор таққиланган зарбаларни амалга оширганди.

— Бу натижа рейтинг очқоларингизга салбий таъсир қилгандир...

— Бўлмасам-чи? WBO йўналишининг 69,9 кг. вазн тоифасидаги боксчилар зарбаларидан мазкур жангча тўртинчи ўринда эдим. Мағлубиятдан кейин 25-поногага тушиб кетдим.

— Ҳозир қайси мураббий машгулотларда қатнашяпсиз?

— Австралиялик Стифт Ровландсдан сабоқ олаётганим. Менимча, Лас-Вегасга қайтач бошқа мураббий топаман.

— Лас-Вегасда сиз билан деярли бир вақтда профессионал рингга чиқа бошлаган Муҳаммадқодир ва Руслан Германия бокс клубларидан бири билан шартнома имзолади. Сиз эса ҳали ҳам Америкадасиз?

— Менинг америкаликлар билан яна икки йиллик шартнома бор. Шунинг учун бошқа клуб ҳақида ўйлаб ҳам кўрганам йўқ.

— Кейинги режаларингиз қандай?

— Бир неча ой Андижонда бўламан. Оила аъзоларимни, айниқса, кизчам Тамарани жуда соғиндим. Уларнинг дийдорига тўйиб, сўнгра Лас-Вегасга қайтмоқчиман. Жангларимга келсак, дастлаб сентябрда, кейин ноябр ойида рингга чиқаман. Ишонманки, бу жангларни муваффақиятли яқунлаб, яна ўз обрўйимни тиклаб оламан.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Кувончбек Тойганбоев ҳамда Муҳаммадқодир Абдуллаев (ўнгда).

Абдувос ҲАЙДАРОВ олган сурат.



— Руслан билан телефон орқали тез-тез болабди турамиз. Унинг асосий жанглари Германияда ўттириш режалаштирилганлиги боис, шу ерда машгулотларда қатнашяпсиз. Руслан 15 майда Гамбургда навбатдаги жангини ўтказди. Ҳозир у билан ака-ука Кличколарнинг мураббийлари ишляпти. Режа бўйича Руслан Чагаев июнь ойининг охиригунча ўн кунлигида яна бир жанг ўтказиб, сўнгра Ўзбекистонга қайтади.

— Муҳаммадқодир, профессионал бокс бўйича юртимизга жаҳон чемпионати

хор билан қуршаб олишди. Биз эса WBO йўналиши бўйича муваффақиятли жанглар олиб бораётган яна бир боксчимиз Кувончбек Тойганбоевга юзландик. Эсингизда бўлса, у март ойида ўтказган охириги учрашувда очқолар ҳисобиди америкалик Кит Холмсга ютказиб қўйганди.

— Кувончбек, ўзбекистонлик мураббийлар учун сўнгги жангингиз тафсилотлари қизиқарли. Шу ҳақида ўзингиз гапириб берсангиз...

— Холмс анча тажрибали, жаҳоннинг собиқ тўрт қарра чем-

Интер-спорт

МЕҲМОНХОНАДАГИ ЁНҒИН НАТИЖАСИДА...

Кучли теннисчилар иштирокида Римда ўтказилган кўзда тутилган «Мастерс» турнири олдиндан ноҳуш воқеа юз берди. Parco del Principe меҳмонхонасида юз берган ёнғиндан кўнгина теннисчилар жароҳат олишлари мумкин эди. Уларнинг орасида россиялик Марат Сафин ҳам бор эди. Хайтовур Сафиннинг фақат кийим ва зарур нарсаларига ёниб кетди. Лекин канадалик ва АҚШлик теннисчи халок бўлди. Италия полициясининг ахборотига қараганда, ёнғин бинонинг 5-қаватидаги 305-хонада юз берган. Бу хонани 24 ёшли канадалик ва 25 ёшли америкалик спортчи қанд этган эди. Ёнғин тезда ёйилиб, авжига минган. АҚШлик теннисчи дераздан узини отиб ўлган бўлса, канадалик ваннахонада димикиб қолган. Полиция ёнғин нимадан чиққанлигини текширмоқда.

«МИЛАН» ИТАЛИЯ ЧЕМПИОНИ


«Милан» клуби пойтахтнинг «Рома» жамоасини 1:0 ҳисобида ютиб, 17 мартда Италия чемпиони бўлди. Ягона тўпни учрашувнинг иккинчи дақиқасида украиналик ҳужумчи Андрей Шевченко дарвозага йўллади. Бразилиялик ярим ҳимоячи Кахнинг ўнг қанотдан оширган тўпи галабага олиб келди. Андрей жами 22 та тўп билан тўпурарлар орасида етакчилик қилмоқда. Учрашувнинг 50-дақиқасида римликлар сардори Франческо Тотти жарима тўпини амалга оширганда тўп Шевченконинг қўлига теги. Ҳакам Доменико Мессин бу ҳолатни атайлаб қилинмаганга йўйди ва 11 метрлик жарима белгилади. Бундан галабага келган «Рома» мухлислари бор нарсаларни уйингоҳга улоқтира бошлади. Фалаёнда «Милан» ярим ҳимоячиси Гаттузо билан дарвозабон Дида жароҳат олди. Ҳакам қўшимча 7 дақиқа қўшиб берди. Лекин «Рома» бундан ҳам фойдалана олмади. Шу тариха «Рома» 18 йилдан бери «Милан» майдонида галабага эришолмай келмоқда.

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

Инсон учун энг катта бойлик — тан сийҳатлигидир. Кимки, ана шу бебаҳо хазинадан маҳрум бўлса, унга қўша-қўша иморатлар, машиналар ва ҳатто олтин тож ҳам татаймайди. Олам ҳам соғлом инсоннинг кўзига чиройли, ҳаёти мазмунли, ўтаётган кунлари мунаввар кўринади. Тўшакка миқланган одам учун эса булар бари ўз қимматини йўқотди. У фақат узини доволаётган, соғайиши учун жон қойибтаётган оқ халатли шифокорнинг кўзларига термулади, азобга солаётган бу дарддан қутулишга нахот ахтаради.

шифокор хизмат қилаётган бўлса, уларнинг 8 нафари фан доктори, 29 нафари фан номзоди, олий ва биринчи тоифали жарроҳлар, шунингдек,

СЎЗИ ШИРИН, ЗЕҲНИ ЎТКИР, ТИФИ — ДАВО



юзлаб тиббий ҳамширалар бор. Айни чоғда тиббиёт фанлари доктори Мирҳамид Азизов раҳбарлигида 8 та бўлим, 2 та лаборатория ва шови-линич травматология тармоғи ҳамда поликлиника жамоаси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан 57 та монография, 68 та илмий мақолалар тўплами, 270 рисола ва услубий тавсиялар чоп этилди. Қолаверса, улар 120 та кашфи-

ёт учун муаллифлик ҳуқуқига эга бўлишди. Бугунги кунда мазкур бўлимда 22 нафар шифокор, 30 та даволаниш ўрни бор. Тиббиёт фанлари доктори Аҳмад Дурсунов етакчили-

сидир. Клиника раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Аҳрор Журоев суяк тизилиш жароҳатининг тез тизилишига ёрдам берувчи муолажаларга тўхталиб шундай дейди:

— Болаларда синишлар асоратсиз битади. Бунинг учун бемор оқсил ва витаминларга бой овқатлар истеъмол қилиши, куёш ваннасида фойдаланиши, мўймиё ичиши зарур...

Клиника шифокорлари — профессор Ботир Мирзиев, тиббиёт фанлари номзоди Абдуҳалил Ҳўжанов, Раҳим Тилево, Хайрулла Раҳматуллаев, Рустам Имонохунов, Рустам Шаропов, Нурмат Бобоевлар болаларни ана шу дарддан халос этмоқдалар.

Мустақиллик институт жамоаси имкониётларини кенгайтириди, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнига чет эл илгор технологияси кириб келди. Хорижда турдош институтлар билан ҳамкорликлар қучайди. Туркия, МДХ шифокорлари билан узаро тажриба алмашиш муносабатлари қарор топди. Хуллас, бугун бу марказдаги ширин сўзли, ўткир зехнли, тифи даво жарроҳлар хизматидан барча мамнун.

Бордмабек САДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: бўлим бошлиғи А.Дурсунов ТошМИ-1 кафедраси ассистенти Н.Рўзиев. Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат

Advertisement for the Tashkent Municipal Exchange Market. Title: «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази». Content: «Сизларни биржа савдоларига таклиф этади. БИРЖА САВДОЛАРГА КУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:» List of properties for sale/rent with details like location, area, and price.

Advertisement for OAO SP «AYSEL-INVEST». Title: «ОАО СП «AYSEL-INVEST»». Content: «объявляет о проведении годового собрания акционеров ОАО СП «AySel-Invest», которое состоится 31 мая 2004 г.» Includes address and contact information.

Table of contents for the magazine. Lists sections like BOSH MUHARRIR, SAFAR OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, MUASSIS, BO'LIMLAR, VILOYAT MUXBIRLARI, and various regional news items with page numbers.